



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Р.ИРМАТОВНИ
«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳақамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳақами, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 июль

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

2014 йилнинг 12 июнь-13 июль кунлари
Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон
чемпионатида ўзбекистонлик ФИФА рефериси
Равшан Эрматов иштирок этиб, Ватанимизнинг
халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада
юксалтиришга, халқимизнинг куч-қудратини
ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўлди.

Нуфузли халқаро мусоба-
қаларда юксак натижаларга
эришган ҳамюртларимиз эл-
юртимиз ардоғида бўлиб,
улар муносиб рағбатланти-
рилмоқда.

Президентимиз Исло-
м Каримовнинг 2014 йил 25
июлдаги фармонида мувофиқ
халқаро майдонда мамлака-
тимизнинг спорт соҳасидаги
шон-шухратини юксалтириш,
ўзбек футболининг нуфузини
ошириш, миллий футбол
ҳақамлари мактабини ривож-
лантириш ишига қўшган му-
носиб ҳиссаси учун Ўзбеки-
стон футбол федерациясининг
халқаро тоифадаги ҳақами,
ФИФА рефериси Равшан Эр-
матов «Эл-юрт ҳурмати» ор-
дени билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги «Оли-
мпия шон-шухрати» музейида
25 июль кунини халқаро тои-
фадаги ҳақамни шарафлаш-
га бағишланган тантанали
маросим бўлиб ўтди. Унда
ФИФА рефериси Равшан Эр-
матовга Ватанимизнинг
юксак мукофоти — «Эл-юрт
ҳурмати» ордени ҳамда
Президентимиз совғаси —
«Mailbu» автомобили тантанали
равишда топширилди.

Президентимиз Исло-
м Каримов ташаббуси билан
истиқлол йилларида тарихий
адолат тикланди, халқимиз-
нинг асрий орузи — озодли-
ги, эркинлиги ўз қўлига ўтди,
тинч-осойишта, фаровон ҳаёт
кечириш, бугунидан мамнун
бўлиб яшашга имкон яратилди,
эртанги кунига ишончи
мустаҳкамланди.

Мамлакатимиз дунёнинг
ривожланган давлатлари
қаторида эътироф этилаётган
ни бежиз эмас. Зеро, тинч-

лик-осойишталик, адолат
ҳукмрон, инсон манфаатлари,
унинг ҳуқуқ ва эркинликла-
ри таъминланган мамлакат-
гина қисқа фурсат ичида ана
шундай мисли кўрилмаган
натижаларга эриша олади.

Президентимиз раҳнамо-
лигида ҳаётимизнинг барча
жаҳдаларида амалга ошири-
лаётган кенг қўламли исло-
ҳотлар аввало инсон манфа-
атлари, халқимизнинг эзгу
орзу-истаклари рўйига ҳиз-
мат қилмоқда. Айниқса, ке-
лажагимиз эгалари бўлган
ёш авлодни жисмоний ва
маънавий етук, миллий ва
умуминсоний қадриятлар ру-
ҳида тарбиялашга қаратила-
ётган эътибор ва ғамхўрлик
ўзининг юксак самаралари-
ни бераётди.

Ислом Каримов ташаббуси
ва раҳнамолигида дунё
тамаддунига муносиб ҳисса
қўшган Ал-Хоразмий, Аҳмад
Фарғоний, Беруний, Ибн
Сино, Амир Темур, Мирзо
Улугбек, Алишер Навоий
каби буюк аждодларимиз-
нинг бебаҳо мероси тиклан-
ди, улар бугунги кунда ав-
лодларнинг тафаккурида,
онгу шуруида, ҳислатларию
фазилатларида намоён
бўлмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур
салтанатида аҳолий ва маъ-
навий мезонга айланган «Куч
— адолатдадир» ширинининг
ҳаётимиздан чуқур жой ол-
гани, ҳар қандай шароитда
адолат, ҳалоллик, ватанпар-
варлик, оlijаноблик ва ба-
рикенглик билан иш тутиш
ўзбек ўғлини Равшан Эрма-
тов сиймосида бутун дунёга
яна бор намоён бўлди.
(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БЕКТЕМИР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик, эркинлик, озодлик. Бу сўзларнинг ҳар бир инсон, миллат ва давлат учун нечоғлик қадри ва буюк эканлигини барчамиз яхши англаймиз. Мустақилликка эришилган кун эса ҳар доим катта шодиёна билан нишонланади. Мана, ҳур Ўзбекистонимизнинг Истиқлолга эришган кунини ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Юртимизнинг барча гўшаларида энг улуг ва энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш, уни кўтаринки руҳда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Қўчалар, хиббоналар, маҳалла гузарлари, таълим маскан-
лари, корхона ва ташкилотлар ён атрофи, кўйингки,
ҳаммаёқ орасталаниб, ободонлаштирилмоқда. Янги-янги ин-
шоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётди. Бу бо-
радаги ишларда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 июл-
даги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
ийгирига уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлиб хизмат
қилмоқда.

Байрамни катта тантана билан ўтказишга тайёргарлик иш-
лари шаҳримиз туманларида ҳам қизгин олиб боришмоқда.
Хусусан, Бектемир туманида кутлуг шодиёнани ҳар қачонги-
дан ўзгача руҳда ўтказишга қаришган. Туманга борган киши
бунга ғувоҳ бўлиши мумкин.

Бектемир пойтахтимизнинг энг кенжа туманларидан бири
бўлиб, 1990 йилда ташкил этилган. Шаҳримизнинг

Миробод, Сергели ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота
ва Ўрта Чирчиқ туманлари билан чегарадош бўлган туман-
нинг майдони 2050 гектардан иборат. Жами 12 та маҳал-
лада 3300 та яқка тартибдаги ва 187 та кўп қаватли уйлар
мавжуд, уларда қарийб ўттиз минг аҳоли истиқомат қила-
ди. Туман мутасаддилари томонидан аҳолининг яшаш ша-
роитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилган. Кўп
қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатлар томонидан
куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари давом этмоқда.
Уйларнинг том қисмлари ва кириш йўлақларидаги таъ-
мирталаб жойлари таъмирланаётди. 5 та мактаб, 12 та
мактабгача таълим муассасаси, битта мусиқа мактаби, бит-
та коллеж ва лицей ёшлар камолоти йўлида хизмат қил-
моқда. Аҳоли саломатлигини тиклашда 450 ўринга мўлжал-
ланган икита поликлиника иш олиб боради. Шунингдек,
иккита маданият уйи, иккита дам олиш маскани, худди

шунча спорт мажмуаси ва битта стадион самарали фаоли-
ят кўрсатиб келмоқда.

Пойтахтимизнинг ушбу тумани ишлаб чиқариш борасида
ҳам илгорлардан ҳисобланади. Бугунги кунда Бектемир ту-
манида 286 та саноат корхонаси, 81 та қўшма корхона, 53
та транспорт корхонаси ва 768 та кичик бизнес субъектла-
ри фаолият олиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари-
нинг самарали ишлаши аҳоли бандлигини таъминлашда
муҳим аҳамият касб этади. Туманда янги корхоналарнинг
ташкил этилиши ҳамда кам қувватли ва фаолият кўрсатма-
ётганларининг қайта тикланиши натижасида бўш иш ўрин-
лари яратилмоқда. Аҳоли бандлигининг ошиши фаровон
турмуш тарзини таъминлаётди.

Бир сўз билан айтганда, Бектемир тумани фан, таълим,
спорт, ишлаб чиқариш, қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаш-
тириш, қўйингки, барча соҳаларда юқори натижаларга эри-
шиб келмоқда. Туман аҳолиси эса мустақиллигимизнинг
23 йиллик тантаналарини ўзгача кайфият ва янги ютуқлар
билан кутиб олишни мақсад қилган.

(Бектемир туманига бағишланган материаллар билан
газетанинг 2-сahифасида танишасиз)

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларининг амалга оширилишига бағишланган шаҳар фоллари ййгилиши бўлиб ўтди.

Фоллар ййгилишини Тошкент шаҳар
ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Ййгилишда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов томонидан Вазир-
лар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги маж-
лисида белгилаб берилган энг муҳим устувор
вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъмин-
лашга қаратилган чора-тадбирларнинг ижро-
сига оид масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Ййгилишда 2014 йил биринчи ярим йил-
лигида шаҳарнинг ялпи худудий маҳсулотини

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан
8,3 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб
чиқариш ҳажми 14,9 фоизга, истеъмол
товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 13,4
фоизга, асосий капиталга инвестициялар
ҳажми 4,1 фоизга, пудрат қурилиш ишлари
ҳажми 8,6 фоизга, чакана савдо айланмаси
ҳажми 13,4 фоизга, умумий хизматлар
ҳажми 13,8 фоизга, жами экспортнинг
ҳажми эса 9,3 фоизга ўсганлиги таъкидлаб
ўтилди.

Ялпи худудий маҳсулот таркибида кичик
бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-
ларининг улуши 62,3 фоизни ташкил этиб,
2013 йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 фо-
изга ўсишга эришилди, хизматлар соҳаси-
нинг улуши эса 56,9 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари ййгилишда иқтисодий но-
чор ва паст рентабелли 45 та корхоналарни
соғломлаштириш мақсадида «Йўл харита»ла-
ри дастури ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ
этилиб келинаётганлиги қайд этилди.

«Йўл харита»ларида белгиланган чора-тад-
бирларнинг амалга оширилиши натижасида
биринчи ярим йил якунига қўра 32 та корхо-
нанинг молиявий ҳўжалик фаолиятини яхши-
лашга эришилди.

Шу билан бирга ййгилишда ярим йиллик
ҳисоботи якунларига қўра, ҳўжалик фаоли-
ятини талаб даражасида йўлга қўймаган кор-
хоналарни соғломлаштириш масаласига ало-
ҳида эътибор қаратилди.
(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Корақалпоғистон Республикасининг
шаҳар ва туманлари, олис овул ва маҳал-
лалари, таълим муассасалари, меҳнат жа-
моаларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним,
севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал
Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-

маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари,
қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

• Хоразмда жорий йил биринчи ярми-
да вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривож-
лантириш якунлари ҳамда Президенти-
миз томонидан Ўзбекистон Республика-
си Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17
январдаги мажлисида белгилаб берилган
2014 йилги иқтисодий дастурининг асосий
устувор вазифалари ижросининг бориши-
га бағишланган ййгилиш бўлиб ўтди.

• Наманганда бўш иш ўринлари яр-
маркаси ташкил этилди. Унда тўрт юзга
яқин корхона, ташкилот ва муассаса сак-
киз минг икки юздан зиёд бўш иш ўрни

билан қатнашди. Ярмаркада корхоналар-
га ишга қабул қилинган ёш мутахассис-
ларга меҳнат дафтарчалари, ўндан зиёд
коллеж битирувчисига тижорат банклари-
дан имтиёзли кредит олиш учун серти-
фикатлар топширилди.

ЖАҲОНДА

• Европа Марказий банкнинг интер-
нетдаги расмий сайтга номаълум хакер-
лар гуруҳи томонидан ҳужум уюштирил-
ди. Натижада кибержиноятчилар молия
муассасасининг 20 мингга яқин миқозига
тегишли маълумотларни қўлга кири-

тишган. Кейин эса улар банкка катта
микдордаги маблағ эвазига ҳужжатлар-
ни қайтариб беришлари ҳақида хат юбо-
ришган. Ҳозирча ушбу ҳужум қаердан
амалга оширилгани аниқ эмас.

• Жорий йилнинг иккинчи чорагида
Испанияда ишсизлик даражаси 25 фоиз-
га пасайди. Бу даврда мамлакатда 400
минг кишининг бандлиги таъминланган.
Экспертлар ушбу ижобий натижани сай-
ёҳлик мавсумининг бошлангани билан
боғлашмоқда. Негаки, ҳозир Испанияга
чет давлатлардан дам олишга келувчи-
лар кўпайган. Табиийки, бундай вазият-
да янги иш жойларига эҳтиёж ортади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-кават, 225-хона.

